O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
ZARAFSHON SHAHAR
HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
ГОРОДА ЗАРАФШАН
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Zarafshon sh., Marvarid ko‘chasi, 1
“22” май 2019 й (г) № 7К-329

г.Зарафшан, улица Марварид, 1

Зарафшон шаҳар ҳокимининг 2018 йил 8 ноябрдаги Қ-772-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига ва “Наврўз деҳқон бозори” МЧЖнинг 2019 йил 18 мартдаги 90-сонли хатига ва шаҳар адлия бўлимининг 2019 йил 22 майдаги хулосасига асосан, “Наврўз деҳқон бозори” МЧЖ атрофида автотранспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 8 ноябрдаги Қ-772-сонли қарорига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1-банди 4-хатбошисидаги “5.5 (бир томонлама ҳаракатланиш йўли)” деган сўзлар, “5.15 (тўхтаб туриш жойи)” деган сўзлар ҳамда 7-хатбошисидаги “Бир томонлама ҳаракатга” деган сўзлар, “Тўхтаб туриш жойи” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- мазкур қарорнинг 1-бандининг 1, 5 ва 6- хатбошилари чиқариб ташлансин.

- мазкур қарорнинг 2, 3, 4 ва 7-хатбошилари, 1, 2, 3 ва 4-хатбошилари деб ўқилсин.

2. Ушбу қарорнинг 2-бандига ““Наврўз деҳқон бозори” МЧЖ (А.Санакулов) тегишли ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштириб, автотураргоҳни белгиланган тартибда тўсиқлар билан чегаралаш ҳамда бир томондан кириб чиқиш тартибини ташкиллаштирсин.” сўзлари киритилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Файзиев зиммасига юклатилсин.

QARORLAR UCHUN

Шаҳар ҳокими **А.Раджабов**